

Гамбия президенти умра ибодатини адо қилди



11:00 / 28.06.2021 1212

Гамбия президенти Адам Барроу Саудия Арабистонига расмий ташриф билан келди. Бу ҳақда SPA ахборот агентлиги хабар берди. Президентни икки муқаддас масжид бош бошқармаси ва Масжидул Ҳарамнинг махсус хавфсизлик кучларининг бир қатор мутасаддилари қабул қилиб олишди.

Ташриф чоғида Гамбия президенти Макка шаҳридаги буюк масжидда умра ибодатини бажарди.

Аввалроқ Барроу бошчилигидаги делегация Мадинадан Жидда шаҳрига келиб, у ерда Пайғамбар алайҳиссаломнинг масжидларида намоз ўқидилар.

Барроу чоршанба куни бошқа тадбирлардан ташқари янги Гамбия элчихонаси қароргоҳини очиш учун Қиролликка келди, дейилади Гамбия давлат палатаси баёнотида.

Хуршид Маъруф